



БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЛОЙИХАЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ МОДЕЛИ

Саидназарова Т.М.

Андижон Давлат университети

“Умумтехника фанлари ва меҳнат таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: дизайн, дизайн, ижодий кўникмалар, техник кўникмалар, технология ва дизайн, хизмат кўрсатиш хизмати, таркибни бирлаштириш, касбга йўналтириш, технологик инновациялар.

Ключевые слова: дизайн, дизайн, творческие навыки, технические навыки, технологии и дизайн, предоставление услуг, интеграция контента, профориентация, технологические инновации.

Key words: design, design, creative skills, technical skills, technology and design, service delivery, content integration, career guidance, technological innovation.

Талабаларнинг конструкциялаш(лойихалаш) компетентлигини ривожлантириш тизими объектив ва субъектив шарт-шароитлар, ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Ҳар қандай педагогик тизим таркибида иккита тушунча аниқ кўринади: Дидактик вазифа ва уни ҳал қилиш технологи-яси. Дидактик вазифа тузилишида исталган инсон фаолияти соҳасидаги каби вазиятлар (шароитлар) ва мавжуд ахборот (фаолият мазмуни)га асо-сланган мақсадлар акс этади .

Технология фани ўқитувчисини тайёрлашнинг дидактик имконият-ларини ўрганиш борасидаги тадқиқотимиз мақсади техник тайёргарлик жараёнида ўқувчилар график фаолиятини ташкил этиш учун бўлажак Технология фани ўқитувчиларнинг лойихалаш компетентлиги мазмуни (таркибий қисмлари) кўриб чиқилган ахборотлар воситасида шаклланти-риш ҳисобланади.

Тадқиқотимизда ўқув материалларининг мазмуни талабаларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ҳар бир босқичида график ва ўқув-конструкторлик фаолиятини интеграциялаш йўли билан белгиланади.



Бўлажак Технология фани ўқитувчиларининг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш жараёни тизимли-фаолиятли ёндашув асосига қурилади. Унинг ижодий фаолияти, яъни лойиҳалаш фаолиятда қўникма ва малакаларидан ижодкорона фойдаланиш тажрибасида ихтирочилик сифатларини ўрни жуда бекиёс.

Конструкторнинг фаолияти қуйидаги босқичларга ажратилган:

Объектни яратиш концепцияси - лойиҳалашда конструкциялаш босқичи бўлиб, унда объектнинг дастлабки модели ақлий ёки матн билан, график воситалар ёки экспериментал тарзда амалга оширилади; бунинг натижаси техник қурилмани конструкциялаш ва технологик метод ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Конструкциялаш – лойиҳалаш босқичи бўлиб, унда мазмунни ифодалаш техник буюм деталлари билан аниқланади. Конструкторлик жараёнида конструктор фақат ақлий фаолиятининг самараси бўлган, ҳали мавжуд бўлмаган нарсани акс эттириши керак. Бу техника соҳасидаги ижодий педагогик вазифасидир.

Синтез – буюмни амалда қўллаш учун тайёрлаш технологияси ва техник қурилмаларда конструкторлик ғояларини ижодий бириктиришдир.

“Лойиҳалаш” ва “конструкциялаш” атамаларини ёритишда, уларни бирга қўриб чиқилиши кераклиги ва бир тушунчани бошқасидан ажратмаслик мақсадга мувофиқ. Аслида “конструкциялаш” атамаси қуриш, “лойиҳалаш” эса – лойиҳа, ғояни яратишни билдиради, конструкциялаш лойиҳалашни ўз ичига олади. Конструкциялаш фаолиятида техник қурилмаларни яратишда лойиҳавий конструкторлик фаолиятни эътиборга олиш керак.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, лойиҳалаш ва конструкциялаш бу ижодий, мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлган жараён деб ҳисоблаш мумкин. Лойиҳалаш – бу педагогик фаолияти кўриниши бўлиб, бирор конструкцияни тайёрлаш учун лойиҳа ишлаб чиқиш билан боғлиқ, конструкциялаш эса – лойиҳалаш босқичи бўлиб, конструкция вариантларини яратиш, ҳисоб-китоблар, операцияларни босқичма-босқич бажаришни ўз ичига олади.

Адабиётлар таҳлили кўрсатдики, технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришнинг илмий – методик асослари ишлаб чиқилган ва амалиёт жараёнига тадбиқ этиш йўллари кўрсатиб берилган. Технология фани ўқитувчиси шахсини ривожлантириш жараёнини таъминловчи омиллар йиғиндиси ва шарт-шароитлари аниқланган ҳамда мазмуни очиқ берилган. Бўлажак ўқитувчиларда



касбий педагогик сифатларни шакллантиришнинг илмий-методик асослари тадқиқ этилган, шунингдек, мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Педагог олимлар томонидан ўрганилганда ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти, ўқувчиларнинг ихтирочилик ҳамда ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиққан.

Илмий-педагогик адабиётлар таҳлили бўлажак Технология фани ўқитувчисининг лойиҳалаш компетентлигининг қуйидаги таркибини аниқлаш имконини беради:

мотивацион-қадриятий компонент (шахснинг фаолият объекти сифатидаги ўрнини ва йўналишини белгиловчи шахсий сифатлар;

когнитив компонент (онгли фаолиятни таъминлайдиган назарий билимларнинг мавжудлиги);

амалий-фаолиятий компонент (шахс томонидан ўзлаштирилган, амалда синаб кўрилган билим ва кўникмалар энг самарали деб ҳисобланади);

рефлексив-баҳолаш компонент (шахснинг лойиҳалашавий ишларни амалга оширишда конструкторлик, лойиҳалаш фаолиятида мустақиллиги, фаоллиги, ижодкорлиги, креативлиги ва ўзини-ўзи баҳолаб бориш).

Бўлажак Технология фани ўқитувчиларининг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш жараёнини таҳлил қилиш тадқиқот ишимизнинг асосини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бўлажак Технология фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва дастурларининг тизимлилиги ҳамда изчиллигига эътибор қаратишни тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири деб белгиладик. Шунга кўра, тадқиқотни олиб боришда илмий изланиш объекти сифатида танланган таълим йўналишининг умумий моҳиятига таянган ҳолда талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тўғрисидаги тасаввур ойдинлаштириб олинди.

Технология фани умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича педагогик кадр тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий педагогик тадқиқот ишлари билан



шуғулланиш; оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади .

Технология фани йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

таълим жараёни; - ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;


таълимнинг назарий масалалари; - ўқитиш методикаси;

лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

Бўлажак Технология фани ўқитувчиларининг касбий ривожланиши учун зарур бўладиган умумий компетенциялар Дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий – илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш

тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда ба-



1-расм. Бўлажак технология ўқитувчиларининг лойихалаш компетенцияларини ривожлантириш bosқичлари модели

калавларнинг касбий фаолият соҳаларида кўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар ва изланишлар жараёнида бўлажак Технология фани ўқитувчиларининг касбий ривожланиши учун ва касбий фаолиятида зарур бўладиган компетенциялар аниқланди. 1-расмда бўлажак Технология



фани ўқитувчиларининг лойихалаш компетенцияларини ривожлантириш босқичлари модели келтирилган.

Моделдаги мақсад, натижа, мазмун, шакл, методик, восита ва таҳлилий-натижавий блоклар тўғри ишласа ва тизимли алоқада бўлсагина биз таклиф этаётган моделда кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Ҳар бир блокнинг туб моҳиятини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Мақсадли блок моделнинг тизим ҳосил қилувчи компоненти ҳисобланади ва бу блок электрон таълим муҳитида умумқасбий фанлар бўйича касбий тайёргарликни ошириш жараёни йўналишини таъминлаб беради. Бўлажак педагогларнинг лойихалаш фаолиятга тайёргарлигини оширишга эҳтиёж биринчи навбатда замонавий жамият ижтимоий буюртмаси ўларок вужудга келди.

Методологик блок олий таълим муассаларида талабаларнинг лойихалаш фаолиятга тайёргарлигини оширишга қаратилган электрон таълим муҳит моделини яратишнинг назарий асосини ифодалайди ва қуйидаги қоидаларга асосланади.

Замонавий шароитда мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари турли методологик асослар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Биринчи даражага эса мажмуавий методологик негиз мақсадга мувофиқлигини исботлаб берган тадқиқот ишлари чиқади. Шу жиҳатдан, замонавий таълим тизимининг парадигмал тамойили, методологик ва тўғри концепциянинг ягоналиги ҳақидаги ғоя таклиф этилган фикрлар бизда катта қизиқиш уйғотади. Уларнинг қарашлари бўлажак педагогларни тайёргарлиги жараёнининг моҳиятини очиб берадиган илмий ишларда ўз ифодасини топган ва асосий қоидалар бўлиб хизмат қилади.

Методологик асосий қоидаларнинг интегративлигини таҳлил қилар эканмиз, таълим маконининг ривожланиши замонавий тенденцияларини, математика ва табиий-илмий фанларни ўқитишдаги шахсий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги хулосага келдик:

Технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари: педагогик; илмий-тадқиқот; маънавий-маърифий; ташкилий-бошқарув; ишлаб чиқариш фаолияти. Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналишининг йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаат-



дор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Бўлажак Технология фани ўқитувчиси лойиҳалаш компетентлигининг мазмуний ва фаолиятлий компонентларини аниқлаш учун, биринчидан, биз конструкторнинг фаолиятини таҳлил қилдик, бу эса янги техник жиҳозни лойиҳалаш умумий мақсадга эришишга қаратилганлигини кўрсатиб берди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун дизайнер қуйидаги вазифаларни кетма-кет бажариши лозим. Масалан, лойиҳалашнинг техник вазифаси, техник таклиф, техник лойиҳа, ишчи лойиҳа (хомаки конструкторлик ҳужжатлари)ни ўз ичига олади. Иккинчидан, фаолиятли ёндашувдан келиб чиқиб, амалий кўникмалар унинг назарий билимларининг ишлаш шакли ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касб таълими педагогикаси. – Т.: 2005 -58 б.
2. Муслимов Н.А., Гаипова Н., Халилова Н., «Умумий психология» фанидан ўқув методик мажмуа. //Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: «Фан ва технологиялари», 2011.
3. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик тизимда тутган ўрни //Халқ таълими. - Тошкент, 1993. - № 6-7. - Б. 9-12.
4. Жўраев Р.Х., Толипов Ў. “Педагогик фаолият,технологиялар ва маҳорат”. “Ўзлуксиз таълим” 2003 й.
5. Д.А. Тхоржевский “Меҳнат таълими методикаси” – Т “Ўқитувчи” 1987 й.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги куннинг мазмуни ва муаммолари моҳияти, шунингдек, бўлажак технологик таълим йўналиши ўқитувчиларида ижодкорлик, моделлаштириш, моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются содержание и проблемы современности, а также перспективы развития творческих способностей, навыков лепки и моделирования у будущих учителей технологического образования.

SUMMARY

The article discusses the content and problems of the present day, as well as the prospects for the development of creativity, modeling, modeling skills in future teachers of technological education.